

Nodirjon U. ABDULAHATOV,
*Docent of the regional center for
 retraining and advanced
 training of public education workers of Fergana region.
 A.Kadiri str. 11, Tashkent, Uzbekistan.
 E-mail: an_igp@mail.ru*

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2022-2/6

МАРГИЛОН ТАРИХИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИНОЯТНОМАЛАР

ОФИЦИАЛЬНЫЕ ИМУЩЕСТВЕННЫЕ ДОКУМЕНТЫ, СВЯЗАННЫЕ С ИСТОРИЕЙ МАРГИЛНА

INAYATNAMAS ABOUT THE HISTORY OF MARGILAN

КИРИШ

Тарихшуносликка оид илмий, илмий-оммабоп адабиётларда хукмдорлар, саркардалар, йирик амалдорларнинг тарихий фаолиятлари таҳлил қилинган. Айниқса, мавжуд тарихий даврнинг барча эврилишларини хукмдорга боғлаб ёзилган асарлар саноқсиз. Лекин ўйлаб кўрилса, ўша хукмдор ҳам ўз замонасининг маҳсули. Унинг бошқарув услуги замонанинг зайли, уни ўраб турган ижтимоий-тарихий мухит, у бошида турган сиёсий кучларнинг интилишларига ҳамоҳанг бўлиши табиийдир. Ана шундай вазиятда уламоларнинг фаолияти ва улар ёзиб қолдирган асарларининг жамият тарақкиётига қўшган хиссаси нафақат исломшунослик ва тарих, балки бошқа ижтимоий фанларнинг ҳам тадқиқ объектига айланишига зарурият борлигини кўрсатади.

Собиқ советлар даврида архив ҳужжатларидан етарли даражада фойдаланилмагани, шахсга сифи-ниш таъсирининг кучайиши, дала тадқиқотларнинг олиб борилмагани натижасида Марғилон диний-маърифий хаётидаги ўзгаришлар тўлақонли ўрганилмаган. Мазкур тадқиқотда асосан архив материаллари ва Марғилон уламоларининг қўлёзма манбаларига эътибор қаратилди. Бу эса илмий иш холислигининг ортиши учун хизмат қилди. Илгари, у ёки бу тарихий муаммони тадқиқ этишда асосан

рус буржуа тарихчиларининг “инқилоб”га қадар яратган асарларидан фойдаланилар эди. Ҳолбуки, бу манбаларда ҳодисалар онгли равишда бузиб кўрсатилган, “самодержавия”нинг босқинчилик сиёсати оқланиб кўрсатилган, туб аҳоли камситилиб тасвиранган эди. Ҳозирги даврга келиб эса, тарихий асарларда архив материаллари, қўлёзма манбаларга кўпроқ мурожаат этилгани туфайли, тадқиқотлар бир мунча холисроқ бўлишига эришилмоқда (Н.Абдулаҳатов, 2021:35).

АСОСИЙ ҚИСМ

Марғилон шахрида саййидлар, хўжалар авлодлари ва тариқат пирларининг фаолият кўрсатиши бу ерда мусулмончилик анъаналарининг янада равнақ топишига катта таъсир ўтказган. Бундай табаррук хонадонлар вакилларининг Марғилонда истиқомат қилишлари ҳамда уларнинг ҳалқ орасида, хусусан, хукмрон табакалар ўртасида тутган мавқеи, аввало, бу ерда осойишталик барқарор бўлишига хизмат қилган. Ушбу хонадон аҳлларининг таъсир доираси шунчалик кучли эдик, ҳар қандай хукмдор ҳам мамлакатни идора қилишда уларнинг фикр-мулоҳазаларига таяниб иш кўришга интилган ва ўзларининг айрича эҳтиромларини билдириш максадида уларга иноятномалар тақдим этган.

Марғилон тарихининг ижтимоий-иктисодий, маданий-маърифий масалаларини ўрганишда, ер-сув ва бошқа кўчмас мулклар билан боғлиқ ҳужжатлар, яъни иноятномалар ҳам катта ўрин тутади. Марғилон иноятномалари тарихий манба сифатида атоқли олим Р.Набиев илмий тадқиқотларида қисман ёритилган (Р.Набиев, 2010). 2007–2020 йиллар давомида олиб борилган изланишлар давомида Марғилон шахри билан боғлиқ 50 дан ортиқ иноятномалар тадқиқ этилди.

Ушбу ёрликлар нафақат Марғилон, балки XIX–XX аср бошларидағи Туркистон ҳалқларининг ижтимоий турмушини ўрганиш ва тадқиқ этишда мухим манба бўлиб хизмат қилади.

МУҲОКАМА

Иноятномаларнинг ўзига хос мухим жиҳатларидан бири уларда Марғилон тарихининг узок ўтмишига доир маълумотлар ҳам ўз аксини топганида намоён бўлади. Масалан, “Пир Сиддик

Аннотация: Уибұ мақолада XVIII–XX аср бошларидаги Марғилон тарихининг ижтимоий-иқтисодий, маданий-мағрифий масалаларини ўрганишида мұхым манбалардан ҳисобланған, ер-сув ва бошқа күчмас мүлклар билан бөгөлік ҳуҗәсжаттар, яғни иноятномалар тұгерисида сүз юритилади. Уибұ иноятномаларнинг ўзига хос мұхым жиһатларидан бири шундан иборатки, уларда Марғилоннинг узоқ үтмисишиңа дөир тарихий маълумотлар ўз акеси топған. Мақолада аштархонийлар ҳукмдори Субхонқулихон ва Күкөн хонлари Үмархон, Мұхаммад Алихон, Шералихон, Худоेरхон ҳамда Маллахон томонидан Марғилонда истиқомат қылған Имам Ҳаким ат-Термизий авлодларига тархонлик имтиёзи берилгани ҳақидағи XVIII–XIX асрнинг иккінчи ярміга дөир ҳуҗәсжаттар, нақибандия тариқатининг тири муршииди ҳазрат Мир Абдурәхим халфа авлодларига тархонлик имтиёзи берилгани ҳақидағи иноятномалар, Марғилон шаҳридаги “Узун ҳовуз”, “Хонақоҳ”, “Пир Сиддик”, “Подшоҳ Искандар” каби масжид-мадрасалар, хонақоҳ ва зиёратгоҳларнинг мұтасаддиларига тархонлик имтиёзи берилгани ҳақидағи ҳуҗәсжаттар тұгерисида маълумотлар баён этилған. Уибұ ёрлиқтар нафақат Марғилон, балки Туркестон халқарининг ижтимоий турмушини ўрганиши ва тадқиқ этиши борасида мұхым манбалардан бўлиб хизмат қиласы.

Калит сұздар: ёрлиқ, иноятнома, фармон, имтиёз, салтанат, тархон, ўлтоң, вакф, масжид, мадраса, қорихода, мозор, қози, мутавалли, сайд, эшон, тариқат, манба, ёдгорлик, қўлёзма.

Аннотация: В данной статье рассматриваются документы, связанные с землей, водой и другими объектами недвижимости, то есть благодати, которые являются важными источниками при изучении социально-экономических, культурных и образовательных вопросов истории Маргилана в XVIII–начале XIX веков. Одним из наиболее важных аспектов этих документов является то, что они содержат историческую информацию о долгой истории Маргилана. В статье рассматриваются документы второй половины XVIII–XIX веков о предоставлении льгот тархана потомкам имама Ҳакима ат-Термизи, которые жили в Маргилане, а также правителями аштарханидов Субханкули-хана и Кокандскими ханами Үмарханом, Мухаммед Алиханом, Шерали-ханом и Худояр-ханом. Узун Ҳавуз в Маргилане, Ханака, Пур Сиддик, мечети, медресе, ханака и святыни имени Падиших Искандара, информация о документах о предоставлении налоговых льгот потомкам Ҳазрата Мир Абдурахима Халфа, пир-муршиду тариката Накибандия.

Эти документы служат для изучения и исследования не только истории Маргилана, но и социальной жизни народов Туркестана.

Ключевые слова: ярлық, благодать, указ, привилегия, тархан, дань, вакуф, мечеть, медресе, корихода, мазар, кази, мутавалли, сайд, шиан, течения, источник, памятник, рукопись.

Annotation: This article deals with documents related to land, water, and other immovable properties, i.e. inyatnamas, which are considered important sources in the study of socio-economic, cultural, and educational issues of the history of Margilan in the early 18th-20th century. One of the special aspects of these inyatnamas is that they contain historical information about the long past of Margilan. The article examines the documents of the second half of the 18th-19th centuries that the descendants of Imam Hakim al-Tirmidhi, who lived in Margilan, were given the privilege of tarkhan by the Ashtarkhanid ruler Subhanqulikhan and the Kokand khans Umarkhan, Muhammad Alikhan, Sheralkhan, Khudoyarkhan, and Mallakhan. There are some inyatnamas about which the privilege of tarkhan was given to the descendants of Hazrat Mir Abdurahim Khalfa, the leader of the Naqshbandi sect. The article contains information about the documents on the granting of privileges to officials of Uzun Pool, Khanaqoh, Pir Siddiq, King Iskandar mosque-madrasas, khanaqahs, and shrines in the city of Margilan. These yarliks serve as important sources for studying and researching not only Margilan but also Turkestan peoples' social life.

Key words: yarlik, inayatnama, decree, privilege, kingdom, tarkhan, tribute, waqf, mosque, madrasah, korikhana, mazar, qadi, mutawalli, sayyid, eshan, tariqah, source, monument, manuscript.

азизлар” мозорига ўзбек хони Субхонқулихон томонидан берилған иноятномада зиёратгоҳнинг пайдо бўлиш тарихи ҳақида ҳам айрим фикрлар баён этилган: “Абу Бакр Сиддик, Аллоҳ ундан рози бўлсин... ўз жонини Аллоҳнинг йўлида ниёз қилди ва Фарғона вилоятида гўрхонада ҳазрат Искандар Зулқарнайндек осуда бўлди. Замон уламолари ва бузруклари бўлмиш тарих билимдонлари бу ҳақда китоблардан таҳқиқ этиб топдилар ва бизнинг

хузуримизда баён этдилар” (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж.34739:9).

Яна бир жиҳати шундаки, хонлар, сultonлар ва маҳаллий ҳукмдорлар имтиёзли ёрлиқлар берганларида, ўзларидан аввал ўтган ҳукмдорлар берган ёрлиқларга асосланганлар (А.Жувонмардиев, 1965:10). Иноятномаларда тархонлик ҳақида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Фарғонада тархонликнинг мавжудлиги

масаласи тарихда тўлиқ ёритилмаган (А.Жувонмардиев, 1965:17).

Маълумки, тархонлик имтиёзини олган кишилар давлат хазинасига соликлар тўлаш, турли мажбурий хизматларни бажариш, умуман, ҳар қандай тўлов мажбуриятидан озод бўлганлар. Иноятномаларда тархонликни олганларга катта имтиёзлар берилгани қайд қилинган. Бу ҳақда “Подшоҳ Искандар” мадрасасига Худоёрхон томонидан берилган хужжатда ҳам таъкидлаб ўтилган: “Тамоми амлокдорлар ва саркорлар ушбу ерлар хирождан тархон ва озод этилган деб билиб, бир дона дони, фулусини ҳам талаб ва тамаъ қилмасинлар. Башартики, мазкур (мадраса)нинг мавқуфот ерлари жумласидан бўлса, дахл ва эътиroz билдиримасинлар. Бу ҳукмға хилоф қилмасунлар. Буни аҳд қилинғон деб билиб, ундан чиқмасунлар” (ЎзМДА-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 34727:5).

Марғилон иноятномаларида “тархон” сўзи “мутлақулион”, “муоф” ва “марфуул қалам” атамалари билан ҳам кўлланади. “Муоф” сўзи (арабча) аслида “озод” маъносида бўлиб, барча рента-солик ва бошқа феодал мажбурияtlардан озод маъносини билдиради (А.Жувонмардиев, 1965:19). XVIII асрнинг бошларида, сўнгиси эса XIX асрнинг иккинчи ярмида ёзилган Марғилонга оид хужжатларда “муоф” атамаси кўп учрайди. “Мутлақулион” арабча сўз бўлиб, “абадий тизгинлаб олган”, “харна истаса, қила олади”, маъносидадир. “Марфуул қалам” (арабча) эса, “солик дафтаридан чиқариб юборилган” маъносидадир. Бу икки атама ҳам абадий имтиёзни ифодалайди. Шундай қилиб, “тархон”, “мутлақулион”, “муоф” ва “марфуул қалам” атамалари маъно жиҳатидан бир-бирига ўхшаш ва якин сўзларdir (А.Жувонмардиев, 1965:19). Баъзи хужжатларда “тархони мутлақулион”, бошқа бир хужжатда “муоф” ва “марфуул қалам”, деб ёзилган.

Бу ҳақда Кўқон хони ҳазрат Худоёрхон томонидан 1873 йилда “Подшоҳ Искандар” мадрасасига берилган иноятномада қайд этилган: “Айни замонда ҳокимлар ва амалдорлар ва мубоширлар ва мутасадилар ва саркорлар ва мутлак Марғинон вилоятига тааллуқ бўлган воқиф ва огоҳ бўлсинларки, қадим ул айёmdан кўхна “Подшоҳ Искандар” мадрасасининг ахли вазойифлари хирож ва танобона, алаф¹ ва зиравордан муоф ва марфууль

¹ Мазкур ёрлик ва иноятномалар Марғилон шахри Гумбаз маҳалласида яшовчи Козимхон Жўрахонов хонадонида сакланади.

қалам этилгандирлар. Чунончи, собиқ сultonлар ва хонлар томонидан берилган олий фармонлар ўзларини қўлидадир. Бинобарин, меҳрибонлик кўргуздиким, мазкур мадрасани тархон, муоф ва марфууль қалам этдик.

Шуни ҳам айтиш керакки, бундай имтиёзни олган шахсларнинг ерларини “хос” деб атаганлар (А.Жувонмардиев, 1965:19). Бу ҳақда Худоёрхон томонидан 1873 йилда Мир Абдураҳим халифанинг авлодига берилган иноятномада “Мулла Мир Муҳаммадали махзум мирзо ушбу авқофни обод қилиш ниятида ва ариқни ниҳоясига етказиш учун биз жаноби ҳумоюндан арзи ижозат талаб килди. Вақфнома мазмунини танишиб чиққач, биз ҳам ўзимизни амирона ва хусравона марҳаматимиз билан ушбу ҳудудларни сув билан жонлантирган мазкур Маҳдумга “вақфи хосса” қилиб бериш учун олий ҳукмимизга имзо чекдик”, деб ёзилган (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 34355:9).

Шунингдек, бундай мазмундаги иноятномаларда хонлар томонидан вақф мулкларига мутаваллини тайинлаш масаласи ҳам кўрсатиб ўтилган: “Мазкур (Мулло Охунд Бобо маҳдум) ҳазрат бузруквор (Халифа Мир Абдураҳим)-нинг хонақоҳи авқофига мутавалли этиб тайин қилиндиким, тамоми аҳоли иззату икром ва ҳурмату таъзимини бажо келтиришлари лозим ва буюрамизки, мазкур мутавалли авқофнинг маҳсулотларини вақф шартига биноан сарф қилсин ва унга хиёнат қилмасин” (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 34355:3).

Ҳаким ат-Термизий авлодига мансуб саййид Довудхўжа эшон хонадонига нисбатан Кўқон хонлари сулоласи томонидан катта ҳурмат-эҳтиром кўрсатилганини Абдураҳимбий (1721–1723), Бобобек (1752–1753) Эрдонабий (1753–1763), Муҳаммад Алихон (1822–1842), Шералихон (1842–1845) ва Худоёрхон томонидан берилган ёрликлар ва иноятномалардан кўриш мумкин².

И мом ат-Термизий авлодларига тархонлик имтиёзи берилгани ҳақидаги ҳужжатлар XVIII асрнинг бошларида, XIX асрнинг иккинчи ярмида берилгандир (А.Мўминов, Н.Абдулаҳатов, Я.Кавахара, 2007:41).

1. Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Аҳмадхўжага ер соликларидан озод қилинганлиги тўғрисидаги Муҳаммад Баҳодирхон томонидан

² Мазкур ёрлик ва иноятномалар Марғилон шахри Гумбаз маҳалласида яшовчи Козимхон Жўрахонов хонадонида сакланади.

берилган иноятнома. Иноятноманинг аввалида “Ҳазрати хон ҳукмидин Низомиддин Муҳаммад Маҳмуд Баҳодирхондир сўзум” деб бошланади. Иноятноманинг айрим қисмлари ўчиб кетган. Ҳукмнома мазмунига қараганда, “Қадимул айёмдан саёдат паноҳ, нажоб дастгоҳ Аҳмадхўжага қарашли мулклар ўлфонлардан маҳсус ва мусаллам”, яъни озод қилингани таъкидланади. Иноятноманинг ҳажми 22x16,4 см. 1 та муҳр босилган.

2. 1145/1732–1733 йилда Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Аҳмадхўжага соликлардан озод қилинганлиги тўғрисидаги иноятнома. Иноятноманинг аввалида “Ҳазрати хон ҳукмидин Низомиддин Муҳаммад Муҳаммад Раҳим сўзум” деб бошланади. Иноятноманинг айрим қисмлари ўчиб кетган. Иноятноманинг мазмунига қараганда “Қадимул айёмдан саёдат паноҳ, нажоб дастгоҳ Аҳмадхўжага қарашли мулклар ўлfonлардан маҳсус ва мусаллам, яъни озод қилинганлиги таъкидланади. Иноятноманинг ҳажми 22,3 x 17,5 см. 1 та муҳр босилган.

3. 11630/1749–1750 йилда Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Аҳмадхўжага соликлардан озод қилинганлиги тўғрисидаги иноятнома. Иноятноманинг аввалида “Ҳазрати хон ҳукмидин Низомиддин Муҳаммад Бобобий сўзум” деб бошланади. Иноятноманинг ҳажми 23,8x16,5 см.

4. 1189/1765 йилда Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Довудхўжа эшонга Эрдонабий томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 22,3x17,3 см. Иноятноманинг аввалида “Ҳазрати хон Низомиддин Муҳаммад Эрдонабий сўзум” деб бошланади. Ушбу иноятномага кўра ҳазрат эшон Довудхўжанинг масжидида 1775 йилнинг март ойидан бошлаб жума ва ҳайит намозлари ўтказилишига ижозат берилган.

5. 1259/1843–1844 йилда Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Азизонхўжа ва Абдуқодирхўжа ва Қўйчихўжага ер соликлардан озод қилинганлиги тўғрисидаги Қўқон хони Шералихон томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 40x20 см. 1 муҳр босилган. Иноятномага кўра, ушбу салтанат ишига тааллуқ бўлган барча амалдорлар номлари зикр қилинганларнинг мулки “таноб” ва “хирожи” ҳамда юртнинг барча ажмарғалари (илтифотлари) важҳидан тархон ва мустасно деб билиб, (улардан) фулуси (бир чака) ва бир дирҳам ва бир дона [дон] ва бир чўб сомон талаб ва тамъ килмасликлари керак.

6. 1261/1845 йил май-июнъ ойларида Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Абдулқодирхўжа,

Қўйчихўжа, Аҳмадхўжага соликларидан озод қилингани тўғрисидаги Қўқон хони томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 15,3x9 см. Орқа тарафида 1 та муҳр босилган. Иноятноманинг қисқача мазмуни қуйидагича. “Айни замонда улуғ амир, сultonлик ишининг соҳиб далиллари ва мубоширлар ва Марғилон вилоятининг саркорлари очиқ ва равшан билсингларки, саййидлар паноҳи Абдуқодирхўжа ва Қўйчихўжа ва Сайид Аҳмадхўжанинг қўлида қадимул айёмдан, собиқ подшоҳлардан қолғон хирож, ихроҳ, танобадан озод эканликлари ҳақидаги тархон ёриклири бўлган ва ҳозирда ҳам бор. Биз ҳам ушбу собиқ хонлардан қолган фармонга асосан меҳрибонлик кўрсатдик ва танобона ҳамда хирождан марфӯъ айладик. Мазкур ер хирожи юзасидан уларға даҳл ва тажовуз килмасликларнинг керак, ёзилғанға хилоф қилманглар ва ундан бош тортманглар”. 1261 йил. (Муҳр) нишони.

7. 1282/1865 йил август-сентябрь ойларида Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Қўйчихўжа, Алихўжа ва Эшонхўжаларга таноба соликларидан озод қилингани тўғрисидаги Қўқон хони томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 39x25,5 см. Орқасида 1 та муҳр босилган.

8. 1283/1866 йил сентябрь-октябрь ойларида Ҳаким ат-Термизий авлодларидан Қўйчихўжа эшон Марғилоний ва Алихўжаларга ер соликлардан озод қилинганлиги тўғрисидаги Қўқон хони Худоёрхон ўғли Насриддинбек томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 26,8x14,8 см. 1 та муҳр босилган. Иноятноманинг аввалида “Ҳазрати хон ҳукми жаҳондор аълодин Низомиддин саййид Муҳаммад Насриддинбек сўзимиз” деб бошланади. Иноятноманинг қисқача мазмуни қуйидагича:

“Айни замонда барча вилоятларнинг ҳокимлари ва амалдор ва акобирлари ҳамда салтанат иши билан машғул бўлганлар ва мунзабитлар ва жаҳонбонийга тааллук бўлганлар воқиф ва огоҳ бўлсинларки, қадимул айёмдан бу кунга қадар отабоболаридан дуогўйликлиги мерос бўлиб келган Қўйчихўжа эшон Марғилоний ва Алихўжалар қўлида собиқ сultonлар ва хонлар томонидан берилган олий фармонлар мавжуддир. Шунга мувофиқ биз ҳам ўзимизни амирона марҳаматимиз билан ҳукмимизга муҳримизни босиб, мазкурларни мулкидан хирож, танобона ва юртнинг бошқа барча расмий ва норасмий йиғимлардан озод қилдик. Жумодил аввал. 1283.

9. 1290/1873 йил май-июнъ ойларида Ҳаким ат-Термизий авлодларига соликларидан озод

қилинганилиги тўғрисидаги Кўқон хони Ҳудоёрхон томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 25,4x17,4 см. Бодомсимон мухрда “Хон Сайид Муҳаммад Ҳудоёр” деган ёзув туширилган. Иноятноманинг қисқача мазмуни қуидагича: “Айни замонда ҳокимлар ва амалдорлар ва мубоширлар ва саркорлар ва мутлақ дорулсалтанатга тааллук бўлганлар воқиф ва огоҳ бўлсинларки, қадим ул айёмдан, қабрлари нурга тўлсин, Довудхўжа эшон авлодидан бўлган Кўйичихўжа ва ... қўлида собиқ сultonлар ва хонлар томонидан берилган олий фармонлар мавжуддир. Шунга мувофиқ биз ҳам ўзимизни амирона марҳаматимиз билан ҳукмимизга муҳrimizни босиб, мазкурлар саёдатпаноҳларни хирож, танобона ва юртнинг бошқа барча расмий ва норасмий йигимлардан озод қилдик”.

10. 1292/1875–1876 йилда Ҳаким ат-Термизий авлодларига ер соликларидан озод қилинганилиги тўғрисидаги Фўлодхон томонидан берилган иноятнома. Иноятноманинг ҳажми 26,1x16,9 см. 1 мухр босилган. Бодомсимон мухрда “Сайид Муҳаммад Фўлод Баҳодирхон” деган ёзув туширилган (А.Мўминов, Н.Абулаҳатов, Я.Кавахара, 2007:42). Иноятноманинг қисқача мазмуни қуидагича:

“Айни замонда ҳокимлар ва амалдорлар ва мубоширлар ва саркорлар ва мутлақ дорулсалтанатга тааллuk бўлганлар воқиф ва огоҳ бўлсинларки, қадимул айёмдан саёдатпаноҳ Хўжажон тўра ва Авлиёҳўжа ва Азимхўжа ва Нажмиддинўжа ва Ҳасанхўжа ва Хонтўра эшон ва Ҳожихўжа эшон ва Эшонхўжа ва Бурҳонхўжалар қўлида собиқ сultonлар ва хонлар томонидан берилган олий фармонлар мавжуддир. Шунга мувофиқ биз ҳам ўзимизни амирона марҳаматимиз билан ҳукмимизга муҳrimizни босиб, мазкурлар саёдатпаноҳларни хирож, танобона ва юртнинг бошқа барча расмий ва норасмий йигимлардан озод қилдик”.

Накшбандия тарикатининг пиру муршиди ҳазрат Мир Абдураҳим ҳалфа авлодларига Кўқон хонлари Умархон, Муҳаммад Алихон Шералихон Ҳудоёрхон, Маллахон томонидан тархонлик имтиёзи берилгани ҳақидаги иноятномалар (Н.Абулаҳатов, С.Аброров, А.Тошқулов, 2014:36) Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сақланиб қолинган. Шулардан бири, Кўқон хони Умархон томонидан хижрий 1232 йилнинг ражаб ойи (милодий 1817 йил май-июн)да берилган иноятномадир. Иноятноманинг ҳажми 43x27,5

см. Иноятноманинг юқори қисмida Умархоннинг бодомнусха мухри туширилган бўлиб, мухрда “Амирул муслимин Сайид Муҳаммад Умархон Ботур. 1231” деган ёзув бор. Иноятноманинг юқори қисмининг ўнг томонида ёнбош қисмига “Халифа Мир Абдураҳим” деган ёзув туширилган. Иноятноманинг қисқача мазмуни қуидагича:

“Аллоҳ меҳрибон ва кечиргувчиdir.

**Абулмузаффар вал Мансур Сайид Муҳаммад
Умар Баҳодирхон сўзумиз**

Айни замонда барча вилоятларнинг амалдор ва акобирлари ҳамда шарафли маҳалла (кишилари) муқим тургучи раийат аҳллари, ватандошлар, тамоми хизматчилар ва мулқдорлар ва мутлақ ер соҳиблари, дорулсалтанатга тааллuk бўлганлар воқиф ва огоҳ бўлсинларки, дуогўйлиги, хайриҳоҳлиги ва насиҳатомузлиги чехрасидан ошкор, тақволи ва диёнатли, Мулло Охунд Бобо Маҳдумнинг баҳтли хонадони, салтанатимизда, қуёш янлиғ ошкор ва ҳувайдо эди. Мазкур Охунд тугалланмаган ариқни Чўнггарадан кавлаб келтириб, жаноб қутбул актоб иршод берувчи (пири) марҳум ҳазрат эшон (Халифа Мир Абдураҳим) нинг топшириғини бажо айлаб, (яъни) мазкур йигирма тегирмон тоши ўлчовдаги оқин сувни Сўх дарёсидан келтириди. Вақфномада тасдиқланган ер ободончилик мақсадида подшоҳнинг ва ислом қозисининг мухрлари билан зийнатланган вақфномага қарши гап сифмайди. Бундан кейин на бир ҳокимлардан бири ва на амалдорлардан бири ва на мутасаддилардан ва на саркорлардан ва на хизматчилардан ва на аминлардан ва на оқсоқоллардан ва на фуқаролардан ва на мазкур дарёдан сув ичувчилардан ва мазкур ариқ сувидан ва нимаики унга тааллукли бўлган бўлса, ҳеч ким мазкур ариқ юзасидан шикоят қилиб, эгалик қила олмайди. Ҳар йили (мазкур вақфномага ҳеч ким) янгилик кирита олмайди. Токи, мазкур Охунд ундан умидвор бўлмасдан, зориқмасдан тирикчилик ўтказади. Мазкур вақф қилинган ариқдан олинган маҳсулотлар эвазига умримизнинг зиёдалиги ва давлатимизнинг тараққиёти йўлида дуолар қилинсин. Мазкур Охундни ариғи муюф ва марғуъул қалам этилгани сабабидан хирож ва танобона ва бошқа ҳокимлар ҳамда амалдорлар томонидан соликлар (олинмасин) ва (ундан) бир фулус ҳам талаб ва таъма ҳам қилинмасин. Бу айтилган сўзларга қарши бормасинлар. Мужиби итобнинг ва мустажоби сиёsatга чиқмасинким, юқоридаги айтилганларга қатъий амал қилинсин.

Ражаб ойи 1232” (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 34355:1).

НАТИЖА

Марғилон шаҳридаги “Узун ҳовуз”, “Хонақоҳ”, “Пир Сиддиқ”, “Подшоҳ Искандар” номли масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар ва зиёратгоҳларнинг мутасаддилари тархонлик имтиёзи берилгани ҳақида жойлашган тўплами ҳам Ўзбекистон Марказий Давлат архивида сакланиб келинмоқда. Ушбу иноятномалар орасида аштархонийлар хукмдори Субҳонқулихон томонидан Марғилондаги машҳур зиёратгоҳ – Пир Сиддиқ мозорига берилган иноятнома ҳам мавжуд.

Субҳонқулихон томонидан берилган иноятноманинг ҳажми 21x37 см. Иноятноманинг олди томонида 1 та ва орқа томонида 3 та муҳр босилган. Иноятноманинг юқори қисмининг ўнг томонида ёнбош қисмига “Абдулазизхон раҳматиллоҳи алайх”, “Ҳазрат Пир Сиддиқ розияллоҳу анху” деган ёзувлар битилган. Иноятноманинг қисқача мазмuni қўйидагicha:

**“Аллоҳ таолонинг адолатли ҳиммати или
Абулфатҳ Музаффариддин Сайид Муҳаммад
Субҳонқули Баҳодирхон сўзум**

Мамлакатга оро берувчи, сохибул тадбир, зафар карин, вузаройи кифоят намойи осаф тазийин хусусан иззат икромга лойик саййидлар, машойихлар, замонасининг улуғ фазилатли ислом уламолари, арбоблар ва қалонтарларга...³ саловот ва саломлар бўлсин Унинг расулига, хулафойи рошиддин чаҳорёрларга, хусусан, ёри фор, чаҳор ёр, ҳақиқат изловчилар боғининг нури, тонг юлдузидек самода нур бахшида қилгучи, ҳақиқат ойинаси, чуқур фаҳмли Абу Бакр Сиддиққа, Аллоҳ ундан рози бўлсин, ...ўз жонини Аллоҳнинг йўлида ниёз қилди ва Фарғона вилоятида гўрхонада ҳазрат Искандар Зулқарнайндек осуда бўлди. Замон уламолари ва бузруклари бўлмиш тарих билимдонлари бу ҳақда китоблардан таҳқиқ этиб топдилар ва бизнинг ҳузуримизда баён этдилар. Шундан сўнг муҳлисларнинг ихлоси чандон ошиб назрлари бисёр, ниёzlари беҳисоб бўлди. Ўшал кун қуббатул ислом Бухорода вақфдан йиғилган юз минг тангадан қирқ минг тангани Пир Сиддиқ арвохига сарф қилдилар. Шу куни ул зотнинг каромати табаъи тобеин ва мужтаҳидларга очик-

³ Иноятноманинг ушбу қаторида ёзувлар ўчиб кетган.

ошкор равшан бўлди. Ҳар куни ул зотнинг муборак остоналарини ўпишга муюссар бўлиш учун дуолар қилдик. Қадимул айёmdan, Аллоҳ рози бўлсин, Пир Сиддиқ ҳазратларининг аждоди авлодлари шариат шиорлар, ҳақиқат осорлари, тақводор шайхлар, кутби замонлар, ғавси давронлар бўлиб келганлар. Нечанд табака ўтган подшоҳлар хузурида уларнинг аждод-авлодлари мазкур подшоҳлардан санад-маснад нишонларни олганлар. Биз ҳам, жойлари жаннатда бўлсин, муҳтарам биродаримиз Абдулазизхоннинг хукмларидан воқиф бўлиб, яхши ниятда файзи осор сармозорга шайх тайин қилиш мақсадида ўз ҳукмимизни ёздиқ. Шу даврда ул зоти барокотнинг авлодлари, кутблиқ даражасига етишган машойих фарзандлари тинч-осудаликда ҳаёт кечириб ва Ҳазрат Зулжалол Аллоҳ таолога ибодатларини қилиб, давлатимиз барқарорлиги учун дуода бўлишларини вазифамиз деб билдиқ ва ҳаракат қилдик. Шунингдек, боғ ва ҳовли ва амлок ва асбоб ва тегирмон ва обжувоз ва нонвой гузарча ва файзи анвор мозор олдидаги ерлар ҳузур-ҳаловатда яшашга ҳақли бўлган шайхларнинг ихтиёрига бериб, буларнинг барчасини биз тайин қилган мазкур шайхларнинг зиммасига топширдик. Бундан кейин ҳеч ким шериклик қилишга интилишга ва шайхларнинг вазифасига аралашибшга, уларга нисбатан тазийик ўтказишга ҳаққи йўқдир... ушбу айёmdan бошлаб, арбоблар ва қалонтарлар ва амалдорлар соликлар билан даҳл қилмасинлар. Айни замонда арбоблар ушбу вақфдан ҳеч қандай солик талаб қилмасинлар, солик тўлашга мажбурламасинлар ва вақфни барча соликлардан озод деб билсинлар. Ҳар кимга бунга хилоф иш тутса, дўзах азобига дучор бўлади. Зероким, бузрукларнинг ғазаби намуна ғазабдандир” (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 34739:9).

“Узун ҳовуз” мадрасасига берилган иноятнома Кўкон қофозига кўчирилган бўлиб, ҳажми 25x44 см. Иноятномада Мадалихоннинг муҳри босилган. Ёрлиқнинг қисқача мазмuni қўйидагicha.

**“Абулғози Сайид Муҳаммад Али Баҳодирхон
сўзимиз**

Айни замонда... Хотамул анбиё сулукининг издошлари ва воқифон ва мувофиқ жумҳур авом воқиф ва огоҳ билсунларким, художўйлар ва хайриҳоҳлар Рахим Кўчакбай ва Идрисбой Қубо мавзеидаги маълум бўлган бир қитъа заминни вақф қилдилар. Ҳудуди ғарбдан қисман омма

аригига туташган ва қисман Ашурбекнинг матруки ерига туташган ва қисман катта йўлга туташган ва қисман Солиҳбой ерига туташган. Шимол томондан қисман катта ариққа туташган ва қисман Шоҳназар ерига туташган ва қисман Отабек ҳамда Ортуқбойнинг ўртасидаги ерга туташган ва қисман мазкур Шоҳназарнинг ерига туташган ва қисман катта ариққа туташган ва қисман Ортуқбойнинг матруки ерига туташган. Жануб томондан қисман мазкур Ортуқбойнинг ерига туташган ва қисман мазкур Солиҳбойнинг ерига туташган.

Ингичка мавзесида жойлашган бир қитъа замин. Фарб томондан қисман мадрасанинг вакф қилинган ерига туташган ва қисман Тағой Муроднинг ерига туташган. Шарқдан қисман Абдулкаримбойнинг матруки ерига туташган ва қисман Ҳасанбобонинг ерига туташган. Шимолдан қисман мазкур Тағой Муроднинг ерига туташган ва қисман Қулибойнинг ерига туташган.

Қақир мавзесида жойлашган бир қитъа замин. Шарқдан қисман Мулло Муҳаммадсобирнинг ерига ва қисман кичик йўлга туташган. Жанубдан батамом Юсуф тошкесарнинг мулкига туташган. Фарбдан қисман Муҳаммадёрнинг ерига ва қисман Бобойнинг ерига туташган. Шимолдан Файбуллоҳ ва Раҳматуллоҳнинг ўртасидаги ерга туташган.

Заркенд жойлашган бир қитъа замин ва мазкур Тўқибой мавзесида жойлашган бир қитъа замин ва Оқ ариқ мавзесида жойлашган бир қитъа замин.

Аввалги сultonларнинг бағоят инояти ва ўз томонимиздан бениҳоят лутфлар билан буюрамизким, мазкур саналган вакф қилинган ерлардан хирож ва танобона важҳидин талаб ва тамаъ қилмасинлар... Сана 1259” (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 347346:1).

Марғилон шаҳрининг Машҳад даҳасидаги “Подшоҳ Исқандар” мадрасасига Кўқон хони Худоёрхон томонидан берилган иноятноманинг ҳажми 11x20 см. Иноятноманинг олди томонида хоннинг бодомнусха муҳри босилган. Муҳрда “Хон Сайид Муҳаммад Худоёр” деган ёзув туширилган. Иноятноманинг қисқача мазмuni куйидагича:

Айни замонда ҳокимлар ва амалдорлар ва мубоширлар ва мутасаддилар ва саркорлар ва мутлақ Марғинон вилоятига тааллуқ бўлган музофотдагилар воқиф ва огоҳ бўлсинларки, Янги “Подшоҳ Исқандар” мадрасасининг Ўқчи, Оқтепа, Оби бариқ, Работи амак, Қубо, Яккатут ва бошқа мавзеларидағи мавқуфот ерларининг хирож ва танобоналари мавжуддир. Азбаройи

тархонлик учун собиқ сultonлардан санади олий ва нишонларга эгадирлар. Бинобарин, меҳрибонлик кўргуздиким, собиқ дастурлар ва русумларга мувофиқ ҳар йили мазкур мадрасани мавқуфот ерларини тархон ва муоф этдик. Шу боисдан тамоми амлокдорлар ва саркорлар ушбу ерлар хирождан тархон ва озод этилган деб билиб, бир дона донни ҳам талаб ва тамаъ қилмасинлар. Буни аҳд қилинғон деб билиб, ундан чикмасунлар. Сана. 1290 (ЎзМДА, И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж.34737:5).

“Хонақоҳ” масжидининг иноятномаси Кўқон қоғозига кўчирилган бўлиб, ҳажми 9x18 см. 1 та муҳр босилган. Иноятноманинг қисқача мазмuni куйидагича.

Айни замонда барча ҳокимлар ва мубоширлар Марғилон вилоятининг амлоқдор мутасаддилари воқиф ва огоҳ бўлсинларки, Маҳаллаи Хўжагондаги “Хонақоҳ” масжидининг вакф ерлари қадимул айёмдан бу пайтгача хирожлардан тархон ва муоф этилган. Бинобарин, биз ҳам мазкур масжиднинг қадимги шарафли дастур ва таомилига мувофиқ ҳар кишлоқдаги вакф ерларини тархон ва муоф этдик. Ушбу вилоятнинг барча мубоширлари ва саркорлари билсинларки, ушбу вакфга хирож ва таноба важҳдин эътиroz қилмасинлар. Токи ушбу масжиддаги аҳли вазойифлар фароғатда истиқомат қилиб, бизнинг ҳаққимизга дуода машғул бўлсинлар. Мазкур қарорга хилоф иш тутмасинлар. Сана 1287. Иноятномага муҳр босган: Сайид Муҳаммад Худоёрхон (ЎзМДА И-19-ф. 1-рўйхат, й.ж. 347346:26).

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб айтиш мумкинки, 1917 йилдаги инқиlobий ўзгаришлар туфайли давлат тепасига келган коммунистик тузум даврида диний тус берилиши оқибатида Кўқон хонлари томонидан Марғилонда истиқомат қилган табаррук хонадон вакилларига берилган иноятномаларда қайд этилган шахслар фаолияти ва уларнинг аҳоли маънавий-маърифий ҳаётида тутган ўрнига салбий баҳо бериб келинди. Натижада бу мавзу мустақилликка қадар мутахассислар томонидан тадқиқот обьекти сифатида эътибордан четда қолди. Маданий, хукукий хужжатларнинг табаррук хонадон вакиллари меросини ўрганишдаги ўрни ислом тарихи ва манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилмади. Ҳолбуки, Кўқон хонлиги Чор

Россияси томонидан забт этилгач, Марғилон Фарғона водийсининг шаҳарлари орасида диний марказ сифатида ажралиб турган. Бу эса ўша даврда Туркистон заминида ислом тарихини ўрганишда нақадар мухим эканлигини англатади.

Мазмун жиҳатдан мазкур иноятномалар нафакат Марғилон, балки Туркистон халқларининг ҳаёт тарзини у ёки бу даражада акс эттирувчи фавқулодда қимматли манбалар ҳисобланади. Марғилондаги саййидлар, хўжалар ва тасаввуф тарикати намояндалари давлат бошқарувида фаол иштирок этган ва бунинг эвазига подшоҳона иноят ва хусравона илтифотдан азалдан баҳраманд бўлишиб, турли имтиёзларни кўлга киритганлар. Иноятномалар Кўқон хонлиги давридаги мамлакатнинг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида жуда аниқ тасаввур ҳосил қилишда мухим аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқот ишида иноятномаларнинг Марғилон тарихини ўрганишдаги аҳамияти ҳақида дастлабки фикрларни баён қилиш билан чегараландик, холос. Бундай қимматли манбалар устида чуқур илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш келажакдаги вазифадир.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Н.Абдулаҳатов, Ў.Эшонбоев. (2007). Кўхна Марғилон зиёратгоҳлари. Фарғона: “Фарғона” нашриёти.
2. Н.Абдулаҳатов, С.Аброров, А. Тошқулов. (2014). Сармозор зиёратгоҳи. Тошкент: “BAYOZ”.
3. Н.Абдулаҳатов. (2017). Мавлоно Мир Абдураҳим Марғиноний // Имом ал-Бухорий сабоқлари. №3. Самарқанд.
4. Н.Абдулаҳатов. (2020). Марғилон ёрлиқлари ва вакфлари мухим манба сифатида // Имом ал-Бухорий сабоқлари. № 2. Самарқанд.
5. Н.Абдулаҳатов. (2021). Марғилон олимларининг илмий-марифий мероси. Фарғона: “Classic” Нашриёти.
6. Н.Абдулаҳатов, М. Муртазаев. (2022). Шоҳ Мансур зиёратгоҳи. Фарғона: “Klassic”нашриёти.
7. Ў. Р. Архиви. (б.д.). 34355-йиғма жилд.
8. Ў. Р. Архиви. (б.д.). 34727-йиғма жилд.
9. Ў. Р. Архиви. (б.д.). 347346-йиғма жилд.
10. Ў. Р. Архиви. (б.д.). 34737-йиғма жилд.
11. Ў. Р. Архиви. (б.д.). 34739-йиғма жилд.
12. Ў. Р. Архиви. (б.д.). 34747-йиғма жилд.
13. F.A.Аҳмаджонов. (2003). Россия империяси Марказий Осиёда. Тошкент.: М.Ч. “Таълим манбай жамияти”.
14. Аширбек Мўминов, Нодирбек Абдулаҳатов, Яёи Кавахара. (2007). Синъцзян ва Фарғонада топилган мозор хужжатлари. Токио.
15. Ш.Воҳидов. (2010). Кўқон хонлигидаги тарихнавислик. Тошкент: “Akademnashr”.
16. А.Жувонмардиев, (1965). XVI–XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. Тошкент: “ФАН”.
17. Р.Н.Набиев.(1973). Из истории Кокандского ханства. Тошкент: “ФАН”.
18. А.Л.Троицкая. (1968). Каталог архива Кокандских ханов XIX века. Москва: “Наука”.

